

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлиги билан Тожикистон Республикаси меҳнат, миграция
ва аҳоли бандлиги вазирлиги ўртасида меҳнат ва аҳоли
бандлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Тожикистон Республикаси меҳнат, миграция ва аҳоли бандлиги вазирлиги, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар, икки мамлакат ўртасида меҳнат ва аҳоли бандлиги соҳасида фаол алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш ниятида эканликларини билдирган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятларга таянган ҳолда,

Томонларнинг илғор миллий тажрибалари алмашинуви орқали икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларни бирлаштиришда ўз қатъийятларини тасдиқлаган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида англашувга эришдилар:

1-модда

Томонлар ўзларининг ваколатлари доирасида ва ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ қуйидаги асосий соҳаларда биргаликдаги ташаббусларни амалга ошириш орқали ҳамкорлик қиладилар:

а) меҳнат ва аҳоли бандлиги соҳасида тегишли қонунчиликни такомиллаштириш;

б) меҳнат бозорида ишсиз шахсларнинг, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш излаётган қатламлари бандлигини таъминлаш бўйича имкониятларни кенгайтириш, шунингдек, ёшларнинг бандлигини оширишга қаратилган фаол сиёсатни ишлаб чиқиш;

в) иш кучи сифатини ошириш, профессионал ва малака стандартларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

г) ишсизлар ва иш излаётган шахсларни меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда профессионал тайёрлаш;